




ТУХУМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТОВУҚЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ҲАМДА ПАРВАРИШЛАШ

Республикамизда тухум йўналишидаги паррандаларнинг ҳозирги кунда энг замонавий юқори маҳсулдор кроссларидан Ломанн, Ломан Браунни классик, Ломан ЛСЛ, Леггорн, Ломан Браун вайт, кросслари парваришланмоқда. Улар бир йилда уй шароитида 300 донагача, саноат паррандачилигида 350 донагача тухум беради.



50% тухум бера бошлайди. Энг юқори маҳсулдорлиги 92-94%ни ташкил этади. Бир йилда 302-304 (баъзан 315-320) та тухум беради, тухумининг вазни 63,5-64,5 г. Вазни 20 ҳафтада 1,6-1,7 кг, тухум бериш даврининг охирида 1,9-2,1 кг бўлади.



Ломан Браун тухум йўналишидаги машхур товуқ зотидан. Унинг классик ва вайт турлари мавжуд. Жаҳон бозорида сармаҳсуллилиги, тухумнинг ранги ва ташқи қобигининг қаттиқлиги билан ажралиб туради. 140-150 кунлик ёшда макиёнчаларнинг

Ломан Браунни классик ихчам кўринишдаги, кенг кўкракли ва кучли сариқ оёқларга эга. Танаси ялтироқ ва зич тортилиб туради. Ломан Браун катта вазнли бўлмаган классик зот. Катта хўроздарнинг оғирлиги максимал 3 килограмм, товуқлари эса 2 килограмм атрофида. Товуқларнинг ранги жигар ранг, думларнинг учидаги оқ майда патлари бор, хўроздари эса қуюқ қора доғли жигар рангда бўлади.

Ломан Браун вайт кўркамлиги жиҳатдан Ломан Браун классикка ўхшайди. Уларнинг асосий фарқи патларининг ва тухум қобигининг рангидадир. Ломан Браун хўроздари ҳам оқ рангда бўлади.

Ломан ЛСЛ тухум йўналишидаги товуқ зотидир. Унинг классик ва вайт турлари мавжуд. Уларнинг орасидаги фарқ: вайт тухум турига нисбатан кўпроқ, аммо кичикроқ тухум беради. Ломан Браундан унча фарқ қилмайди. Патлари ва тухумининг ранги оқ. Парваришлаш таннархи арzon. Катакларда боқишига мослашган бўлсада, уни ерда ва қаттиқ тўшамали полда ҳам боқиши мумкин. Бир йил давомида 341-346 та тухум беради, тухумининг вазни 61,5-63 г.



Леггорн товуқлари серпушт зотдир. Бу зот АҚШ ва Италиядан олиб келинган. Маҳаллий енгил вазнили товуқларни (пати оқ, қизғиши ва қора тусда) танлаш ва наслчиллик ишларининг бошқа усуллари қўлланилиши натижасида вужудга келган. Леггорн зот товуқлари дунёнинг турли жойларда кўп тарқалган. Бу зот товуқларининг маҳсулдорлиги қўйидаги кўрсаткичларга эга: серпуштилиги йил мобайнида 200-240 дона тухум, тухумининг ўртача вазни 56-62 г. Етук товуқлар вазни 1,8 кг, хўрозларининг вазни 2,5 кг.

Майдонда парваришлаш зичлиги - боқиши усули ва бинодаги микроклиматга боғлиқ. Товуқларни умумий 1 м² майдонда парваришлаш зичлиги 6—8 донани ташкил этади.

Тухум йўналишидаги товуқларни катакларда сақлаш ерда боқишига нисбатан катақ ускунасининг турига қараб бир неча баробар кўп паррандалар боқиши имконини беради. Бундай парваришлаш вақтни, озуқа сарфини тежайди ва тухум сифатини яхшилади.

Товуқларни сув билан таъминлашда нипеллик сув ичиш тизимидан фойдаланиш, қимматли ветеринария препаратларини сув билан бирга ичириш имконини беради ва уларнинг беҳуда сарф бўлишга йўл қўйилмайди. Катакларда сақлаганда товуқларни озиқлантириш вақтида озуқа йўқотилиши кескин камаяди. Парранданинг ўз гўнги билан контакти бўлмаслиги сабабли юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи олди олинади.

Товуқларни озиқлантириш. Сифатли озуқалардан тайёрланиб, тўйимлилиги меъёрлар бўйича мувозанатлаштирилган озуқалардан фойдаланмасдан, товуқларнинг юқори маҳсулдорлигига ва иктиносидий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Товуқлар рационида энергиянинг асосий манбаи бўлиб донли озуқалар (маккажўхори, буғдой, оқжўхори, арпа, сули), соя, пахта ва кунгабоқар шроти, омухта ем, ўсимлик ёғлари ва бошқалар хисобланади.

Товуқларнинг юқори ирсий имконияти маҳсулдорлигига қатъий мувозанатлаштирилган озуқа ем орқали эришиш мумкин. Қўйида тухум бераётган товуқларнинг озиқлантириш рецепти келтирилади.

Озуқа таркиби	Товуқлар ёши			
	17 хафта (маҳсулдорлик 5% гача)	18-45 Хафта (маҳсулдорлик 5% дана юқори)	45-65 хафта	66 хафта ва ундан юқори
Буғдой дони	38	40	40	38
Маккажўхори дони	20	20	20	15
Соя шроти	15	15	10	8
Кунгабоқар шроти	12	14	14	16
Ўсимлик ёғи	3	3	2,4	2,2
Лизин	0,12	0,16	0,15	0,1
Метионин	0,14	0,18	0,15	0,15
Озуқа оҳаги				
Трикальций фосфат	1,5	1,5	1,5	1
Ош тузи	0,3	0,3	0,3	0,3
Чой содаси	0,1	0,1	0,1	0,1
Премикс	0,1	0,1	0,1	0,1

Тухумнинг вазни озуқанинг таркиби ва озуқа бериш оралиғига боғлиқ бўлиб, озуқаларни етарли миқдорда бериш тухум ҳажмининг ошишига олиб келади. Товуқларга озуқалар ёшига қараб қуидаги жадвалда кўрсатилган меъёрларда бериш мақсадга мувофиқ.

Ёши (хафта)	Озика истеъмоли (грамм)	Ёши (хафта)	Озика истеъмоли (грамм)
18	82	26	112
19	92	27	114
20	98	28-40	115
21	100	41-50	114
22	104	51-61	113
23	106	62-72	112
24	108	73-80	111
25	110	-	-

Товуқларни қунлик назорати. Ҳар қунги назоратни ўтказишда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- паррандаларнинг умумий ҳолати;
- товуқхона ҳарорати;
- озуқа ва сув истеъмолини кузатиб бориш (кун давомида 2 марта);
- ёргулик;
- паррандаларнинг ҳаракатчанлиги;
- паррандаларнинг гўнгини ҳолати.

Сув билан тъминлаш. Паррандалардан юқори маҳсулот олишда нафақат юқори сифатли ва тўйимли мувозанатлаштирилган озуқалар керак бўлади, балки тоза ичимлик суви ҳам катта аҳамиятга эга. Товуклар ўртача бир суткада 200-250 мл сув исътемол қилиши мақсадга муофик бўлади.

Мақола муаллифи

Азамат Эсанов

*Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
Фермерлар мактаби Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
“Паррандачилик” модули ўқитувчиси*